

ЗАМОНАВИЙ БЮДЖЕТЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА
БЮДЖЕТ РИСКЛАРИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

Одилов Асомиддин Одилжонович

Замонавий иқтисодий фанларда бюджетни шакллантириш ва ижро этиш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатларга жиддий эътибор берилади ва у ҳамиша тадқиқотчилар диққат эътиборида туради. Бунда улар бюджет тизимининг асосий тамойиллари, маблағларни шакллантириш ва тақсимлаш, бюджетлараро муносабатлар, давлат қарзи ва бошқаларни таҳлилини олиб боришади.

Шу билан бирга, бюджет механизми фаолиятининг замонавий амалиёти молиявий тизимнинг риск омиллари таъсирига ва уларни бошқариш қобилиятига жиддий эътибор беришни талаб қиласди. Бунда рискларни аниқлаш, бошқариш молиявий тизим учун уларнинг салбий оқибатларнинг ривожланишини башорат қилиш имконини беради.

Бюджет тизимининг узоқ муддатли барқарорлигини таъминлаш ва бюджет рискларига қарши курашишнинг асосий чораси узоқ муддатли истиқболда ишончли даромад манбалари билан таъминланмаган бюджет харажатларининг ўсишини чеклаш билан боғлиқ механизмлардан самарали фойдаланиш бўлиши керак. Шунингдек, макроиктисодий вазият ёмонлашганда бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш учун етарли миқдорда молиявий захираларни ташкил этиб бориш долзарб масала ҳисобланади.

1-жадвал

Турли муаллифлар томонидан “Бюджет риски” тушунчасига берилган тарифлар

| | |
|----------------|--|
| Аюпова С.Г. | Субъектив-объектив хусусиятга эга бўлган молиявий рискнинг бир тури сифатида ҳар бир институционал бўлинмага хос бўлган бюджет жараёнида |
|----------------|--|

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

| | |
|------------------|--|
| | муқобил бошқарув қарорини муқаррар танлаш шароитида ноаниқликни бартараф этиш билан боғлиқ ҳамда риск омиллари таъсирида режалаштирилган бюджет кўрсаткичларининг бажарилишидан оғишларни назарда тутади [1] |
| Гамукин B.B. | Бюджет жараёнининг барча босқичларида бюджет кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли хил этимологиялардаги мавжуд ва доимий равишда пайдо бўладиган янги ҳодисалар мажмуаси [2] |
| Сорокина T.B. | Бюджет тизимининг барқарорлигини бузган ҳолда бюджет жараёнининг барча босқичларида бюджет кўрсаткичларини бажармаслик эҳтимоли [3] |
| Горохова Д.В. | Ташқи омиллар ва бошқарув қарорлари таъсирида бюджетларнинг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатадиган миқдорий ва сифат жиҳатидан баҳоланадиган эҳтимолий йўқотишлар [4] |

“Бюджет риски” атамасининг ўзи иқтисодий адабиётлар учун янгилик эмас, лекин бюджет рискининг умумий қабул қилинган таърифи йўқ буни биз юқорида таҳқидлаб ўтдик. Кўпгина муаллифлар (1-жадвал) бу билан бюджет даромадлари ва харажатларининг ҳақиқий кўрсаткичларининг дастлаб режалаштирилганидан четга чиқиши (ўзгариши), оғиш эҳтимолини назарда тутади. Шу билан бирга, бюджет риски бюджет жараёнининг барча босқичларида аниқланади ва бюджет жараёни иштирокчилари томонидан қабул қилинган қарорлар натижаси бўлиши ҳам мумкинлиги таъкидланади.

Бизнинг фикримизча, бюджет риски давлат молияси соҳасидаги фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, бу бюджет жараёни қисқа муддатли фойда олишга қаратилган эмаслиги ва ҳокимиятнинг асосий мақсади билан боғлиқ ҳолда харажатлар мажбуриятларини тўлиқ ва ўз вақтида бажаришдир. Шу билан бирга, таълим,

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

соғлиқни сақлаш, хавфсизлик ва ижтимоий таъминотга бўлган эҳтиёжни қондириш орқали жамиятни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш асосий вазифа сифатида қаралади.

Шундан келиб чиқиб, биз бюджет рискига қуидагича таъриф беришимиз мумкин: бюджет риски – бу маълум вақт оралиғида бюджет жараёнининг барча босқичларида ташқи омиллар ва қабул қилинган ички бошқарув қарорлари таъсири натижасида ҳамда миқдорий ва сифат жиҳатидан йўқотишларни баҳолаш билан бюджет тизимининг барқарорлиги бузилишига олиб келадиган салбий оқибатлар эҳтимоли.

Бюджет рискининг табиатини тадқиқ этаётганда шуни тушуниш керакки, улар бюджет рискларининг барча турларига хос бўлган умумий хусусиятларга эга:

- улар объективдир ва бюджет жараёнининг исталган босқичида юзага келиши мумкин;
- бюджет рисклари эҳтимолий характерга эга ва уларнинг юзага келиш эҳтимоли шунга қараб баҳоланиши мумкин;
- бюджет жараёнининг циклик хусусияти туфайли бюджет рисклари ўз таъсирини кўрсатадиган вақт оралиғига эга;
- бошқарув қарорларини қабул қилиш билан белгиланадиган ташқи ва ички омилларнинг ҳал қилувчи таъсири;
- оқибатларини башорат қилишининг қийинлиги бюджет рискларини бошқариш тизимини яратишни талаб қиласи.

Бюджет жараёни босқичларида рискнинг иқтисодий табиати даромадларни шакллантириш ва бюджет харажатларини амалга ошириш натижасида намоён бўлади. Бюджет риски бюджет жараёнига хосдир, лекин шу билан бирга, маблағларнинг марказлаштирилган фондларининг параметрлари кўп жиҳатдан қабул қилинган бошқарув қарорлари ва жорий иқтисодий вазиятга боғлиқдир.

Рискларни юзага келтирадиган омилларнинг хилма-хиллиги, уларнинг намоён бўлиш шартлари ва оқибатлари бюджет рискларини баҳолаш, таҳлил

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

қилиш, прогнозлаш ва бошқариш учун мумкин бўлган воситаларни аниқлаш учун зарур бўлган бюджет рискларини батафсил тизимлашириш ва таснифлашни талаб қиласди.

Таъкидлаш жоизки, жаҳон иқтисодиётида глобаллашув жараёнларининг кучайиши нафақат иқтисодий муносабатларнинг ўзгаришига, балки давлатларнинг бюджет тизимиға ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бу, ўз навбатида, иқтисодиётнинг ҳозирги жадал ривожланиши билан боғлиқ янги бюджет рискларининг пайдо бўлишига олиб келади. Ташқи геосиёсий омиллар таъсири остидаги санкция хатарлари давлатнинг иқтисодий ўсиш кўрсаткичларининг пасайишига олиб келади ва бу ўз навбатида бюджетта тушумларни камайтиради.

Шундай қилиб, бюджет рисклари ҳали ҳам кам ўрганилган соҳа бўлиб, маҳаллий қонунчилик ва меъёрий хужжатларда аниқ таъриф ва мустаҳкамланишни талаб қиласди. Бундан ташқари, дунёда иқтисодий ва сиёсий ўзаро муносабатларнинг доимий ривожланиши ташқи омиллар таъсирида юзага келадиган янги бюджет рискларининг шаклланишига олиб келади.

Адабиётлар рўйхати

1. Аюпова, С.Г. Бюджетный риск в условиях финансового кризиса в российской экономике: автореф. дис. ... канд. экон. наук. – Челябинск, 2011. – 27 с.
2. Гамукин, В.В. Теория оценки бюджетных рисков субъектов Российской Федерации: автореф. дисс. ... д-ра экон. наук/ В.В.Гамукин. – Томск,2016. – 49 с.
3. Сорокина, Т.В. Управление бюджетными рисками: теоретический аспект. Т.В. Сорокина. Устойчивое развитие экономики: международные и национальные аспекты // Электр. сб. статей II Международной научно-практической конференции. – Новополоцк, Полоцкий государственный университет. 2018. – С. 724-728.

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

4. Горохова, Д.В. Управление бюджетными рисками субъектов Российской Федерации: автореф. дис. на соиск. уч. ст. канд. экон. наук/ Д.В. Горохова. – М., 2013. – 24 с